



100047, Toshkent sh., Y. G'ulomov ko'chasi, 70
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz

70, Y. Gulomov str., Tashkent, 100047
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz

Javob qaytarganda shu № ko'rsatilsin
When you answer show this №

№ 01-282/11 « 4 » 04 2022 y.

**Тошкент давлат иқтисодиёт университет
илмий ишлар ва инновациялар бўйича
проректор Г.Абдурахмоновага**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Сизнинг 2022 йил 23 февралдаги 04-04/1-855-сон хатингизга жавобан 08.00.11–«Маркетинг» 08.00.13–«Менежмент» ва 08.00.15–«Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти» ихтисосликлари бўйича малакавий имтихон комиссияси таркиблари ва дастурлари маъқулланганини маълум қилади.

Илова: 3та дастур, 3 варақ.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгаши тавсияси (28.03.2022 й., №4); ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг қарори (30.03.2022 й., №3/20), ОАК Раёсатининг қарори (31.03.2022 й., 314/4).

Бош илмий котиб

А.Шермухамедов

Ижрочи: М.Саипова

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг тақдимномаси
(23.02.2022 й., №04-04/1-855)

Ўзбекистон Республикаси ОАК Иқтисодиёт фанлари бўйича
эксперт кенгашининг тавсиясига (28.03.2022 й., №4) асосан

**08.00.13—«Менежмент» ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон қабул
қил иш комиссияси
ТАРКИБИ**


Т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи, лавозими, илмий даражаси, илмий унвони, ихтисослик шифри
1.	Йўлдошев Нуритдин Қурбонович (раис)	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, кафедра мудури, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
2.	Эшов Мансур Пулатович (раис ўринбосари)	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, проректор, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
3.	Джурабаев Отабек (илмий котиб)	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, кафедра, иқтисодиёт фанлари номзоди, в.в.б. доцент
4.	Маҳкамова Мамлакат Абдуқодировна	Тошкент давлат техника университети, кафедра мудури, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
5.	Ҳошимов Акрам Абдиевич	«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
6.	Суюнов Дилмурод Холмуродович	Бизнес ва тадбиркорлик мактаби “Корпоратив бошқарув назарияси ва амалиёти” кафедраси мудури, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
7.	Махмудов Носир Махмудович	Тошкент давлат иқтисодиёт университети, кафедра профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ваколат муддати 2023 йил « 31 » декабргача белгилансин




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«КЕЛИШИЛДИ»



«ТАСДИҚЛАЙМАН»



08.00.13-«МЕНЕЖМЕНТ»

ихтисослиги бўйича мутахассислик фанидан малакавий
имтиҳон топшириш бўйича

ДАСТУР

Тошкент-2022

КИРИШ

Мамлакатимизда илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари мутахассисларнинг касбий маҳоратини кўтариш ва илмий даражали кадрларни халқаро андозалар даражасида тайёрлашни тақозо этади.

Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида менежмент, инновацион менежмент ва стратегик менежмент соҳасидаги халқаро андозаларни мамлакатимизда илмий даражали кадрлар тайёрлаш таълим тизимида қўллаш бўйича ишларни олиб бориш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

Ушбу “Менежмент” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон дастурида келтирилган мавзу ва масалалар инновацион иқтисодиёт шароитида маркетинг соҳасидаги назарий ва амалий қарашларнинг ҳозирги ҳолатидан ва хорижий мамлакатлар амалиётидан келиб чиқади.

Ушбу дастурни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мутахассис кадрлар тайёрлашни тубдан қайта куриш, олий таълимни тубдан ислоҳ қилишни жадаллаштириш борасида қўйилган масалалар, жумладан “...докторантурага қабул қилиш шартларини белгилашда олий таълим муассасаларига эркинлик бериш, талабгорларни саралаб олишда уларнинг илмий ютуқларига алоҳида эътибор қаратиш”¹ масалалари эътиборга олинди.

Дастурда қўйилган мавзу ва масалалар “Менежмент” ихтисослиги бўйича таянч докторант ва мустақил изланувчиларнинг кирувчи талабгорларнинг маркетинг, инновацион маркетинг ва рақамли маркетинг соҳасидаги умумий билим даражасини аниқлаш билан чекланмасдан, балки шу соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топиш бўйича билимга эга эканлигини намойиш эта олишини талаб қилади.

Ушбу ҳолат иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасига даъвогарларнинг шахсий қарашларини шаклланишини юзага чиқаришга ёрдам беради.

Дастур 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги паспортига тегишли бўлган барча масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Ушбу дастур 08.00.13 – “Менежмент” ихтисослиги бўйича мутахассислик фанидан малакавий имтиҳон топширувчи таянч докторантлар ва мустақил изланувчиларга мўлжалланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги фармони. /“Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 9 октябрь.

I БЎЛИМ. МЕНЕЖМЕНТ

“Менежмент” фанининг предмети, мазмуни ва вазифалари

“Менежмент назарияси”, “Менежер” ва “Бизнесмен” тушунчаларининг моҳияти. Фаннинг предмети ва изланиш услублари. Фаннинг моҳияти, мақсад ва вазифалари. Менежмент асосларини ўрганишнинг долзарблиги. Менежмент концепциялари ва уларнинг асосчилари. Бошқарув илмининг ўзига хос хусусиятлари. Бошқарувнинг келажакка йўналтирилганлиги. Курснинг мазмуни ва вазифалари.

Бошқаришда сифат ўзгаришининг объектив зарурати. Менежментнинг бошқа фан соҳалари билан алоқадорлиги.

Ўзбекистонда иқтисодий таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитларида менежментни ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

Бошқарув тафаккурининг эволюцияси

Қадимги амалиёт-янги фан. Бошқарувнинг фан соҳаси каби эволюцияси. Эски ва замонавий ташкилотларни таққослаш. Бошқаришга тизимлаштирилган қараш. Бошқарувга ёндашувлар. Жараён каби ёндашув. Тартибли ёндашув. Вазиятли ёндашув.

Турли мактабларни ажратиш асосидаги ёндашувлар.

Илмий бошқарув (1985 - 1920).

Бошқарувда классик ёки маъмурий мактаб (1920-1950).

Инсоний муносабатлар мактаби (1930-1950).

Бошқарув фани ёки миқдорий ёндашув (1950-ҳозирги вақтгача).

Ахлоқ фанларининг ривожланиш мактаби. Операциялар тадқиқоти ва моделлар. Миқдорий ёндашувнинг таъсири.

Менежмент назарияси асосчилари. Тейлор, Форд, Гильберт, Эмерсон, Файоль ва бошқалар ҳақида.

Иқтисодийни бошқариш тизимининг ривожланиши. Менежмент назарияси ва амалиётининг ривожланиши, унинг шаклланиш босқичлари. Сўнгги йилларда бошқариш назарияси ва амалиётидаги ўзгаришлар. Турли мулкчилик шакллари ва рақобатчилик шароитида менежмент.

“Ҳарбий коммунизм” ва янги иқтисодий сиёсат даврида бошқариш механизми. 60-йилларда бошқаришни ташкил этишнинг такомиллаштирилиши. Сўнгги йилларда бошқариш назарияси ва тажрибасидаги ўзгаришлар. Бозор муносабатларига ўтиш ва турли мулкчилик шакллари шароитида бошқариш тизими ва тажрибасини қайтадан ташкил этишда комплекс усуллар. Турли мулкчилик шакллари ва рақобат шароитида замонавий бошқарув. Ўзбекистонда менежмент назарияси ва амалиётининг ривожланиши.

Менежмент қонунлари ва тамойиллари

Умумий фалсафий диалектик қонунлар. Бошқариш тизимида бозор қонунлари. Бозор иқтисодий шароитида менежмент қонунлари ва тамойилларини ўрганишнинг аҳамияти. Бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг

мослиги қонуни. Бошқариш функцияларини марказлаштиришнинг нисбий оптималлиги қонуни. Бошқариш қонунларининг менежмент амалиётида қўлланилиши. Менежмент тамойиллари. Менежмент тамойилларининг таркиби ва моҳияти.

Менежментнинг ташкилий тузилиши

Бошқаришнинг ташкилий тузилиши ҳақида тушунча. Бошқариш ташкилий тузилишининг турлари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари.

Чизиқли, тузилма, функционал тузилма, чизиқли-штабли тузилма, чизиқли-функционал тузилма, матрицали тузилма, хизматли тузилма, дивизионал тузилма, лойиҳали тузилма, бригадали тузилма, мақсадли тузилма ташкилий истеъмолчига мўлжалланган ташкилий тузилма, минтақавий тузилмалар ҳақида. Бюрократик ташкилий тузилма. Макс Вебернинг бюрократия ҳақидаги назарияси. Рационал бюрократия таърифлари.

Бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини лойиҳалаштириш. Режалаштириш ва ташкилий лойиҳалаштириш. Ташкилий лойиҳалаштириш босқичлари. Бюрократиянинг салбий таърифлари. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида бошқаришнинг ташкилий тузилишини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш.

Бошқарув фаолияти янги шакллариининг ташкил топиши ва уларнинг самарадорлиги. Давлат бошқаруви ва хўжалик ҳокимиятларини бошқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Корхоналар тўғрисида”ги Қонунида янги ташкилий тузилмалар яратишнинг акс эттирилиши. Мулкчилик шакллари ва корхоналарнинг турли-туманлиги. Мустақил хўжалик тузилмаларининг шаклланиши. Давлат бошқарув органларининг тузилиши ва "Ўзбекистон Республикасида маъмурий территориал тузилиши масалаларининг ҳал қилиниш тартиби тўғрисида" Қонуни. Бошқарув янги тузилмаларини шакллантириш ва фаолиятига бозорнинг таъсир этиши.

Менежмент усуллари

Менежмент усуллари ҳақида тушунча. Менежмент усуллариининг турлари. Бошқаришнинг иқтисодий усули-бозор иқтисоди хўжалигининг самарали юритиш асослари. Ташкилий-фармойиш усули, унинг моҳияти ва тавсифи. Ташкилий-фармойиш усулининг бошқарувдаги роли. Ташкилий-фармойиш усулининг табақаланиши. Менежментнинг социал-психологик усуллари, уларнинг турлари ва мазмуни. Менежментнинг ахлоқий ва руҳий жиҳатлари.

Менежментнинг ҳуқуқий усуллари. Бозор иқтисодининг ривожланиши ва бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда менежмент комплекс усуллариининг аҳамияти. Замонавий менежментнинг ҳуқуқий усуллари. Менежмент фаолиятининг самарадорлигини оширишда менежмент усуллариининг аҳамияти.

Менежмент қарорларини қабул қилиш

Менежмент қарорларининг моҳияти ва хусусиятлари. Менежмент қарорларининг турлари. Менежмент қарорларини қабул қилиш босқичлари. Менежмент қарорларига қўйиладиган талаблар.

Менежмент қарорларини оптималлаштириш усуллари. Оптимал бошқариш ва бажариш назоратини ташкил этишда менежернинг роли.

Қарор қабул қилиш ахборот технологиялари. Қарор қабул қилишни қўллаб қувватлашнинг ахборот технологияси итерацион жараён сифатида. Қарорлар қабул қилишни қўллаб-қувватлаш ахборот технологияларининг асосий компонентлари.

Менежер фаолиятини ташкил этиш

Менежмент тизимида менежер. Бозор шароитида кадрлар сиёсати. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойиллари. Менежмент меҳнатининг мазмуни, характери ва хусусияти. Замонавий менежер лидернинг касб-малака модели. Ишлаб чиқаришнинг турли шароитларида менежернинг иш услуби. Бошқариш психологияси. Япон ва Америка усуллари. Замонавий босқичда менежер этикаси ва менежер маданияти. Менежерларни танлаш, баҳолаш ва аттестациядан ўтказиш йўллари. Менежерлар фаолиятини баҳолашда рейтинг тизими. Ўзбекистонда менежерларни тайёрлаш ва ўқитиш усуллари.

Менежмент тизимида тадбиркорлик ва бизнес

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари. Корхона-бозор иқтисодиёти тизими сифатида. Иқтисодиётнинг бошқариш тизими ва тадбиркорлик. Менежмент тизими ва тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

Тадбиркорлик турлари. Бизнес-режа, унинг моҳияти ва тузилиши.

Бизнес-режанинг моҳияти ва мақсади. Бозор шароитида корхоналарда бизнес режанинг моҳияти. Бизнес-режани тайёрлаш ва ундан фойдаланиш. Бизнес-режанинг тузилиши: ишлаб чиқариш, маркетинг, менежмент, таваккалчилик турлари, молиявий режа ва бошқалар. Бизнес-режанинг яқунловчи бўлими.

Бизнес режа тузишда қўлланиладиган ҳужжатларнинг турлари. Резюме, маҳсулот яққа хизмат турлари, товар етказадиган бозор, маркетинг стратегияси, ишлаб чиқариш дастури, корхонанинг ташкилий-режавли шакли, молиявий режа. Бизнес-режани бажарилиши устидан назорат.

Персонални бошқариш

Корхона ва ташкилотларни шакллантиришда инсон омили. "Персонал" тушунчасининг мазмуни. Персонални бошқариш тизимлари. Инсон ресурсларини бошқариш функциясининг ривожланиши. Персонални бошқариш тамойиллари ва усуллари.

Кадрларни режалаштириш моҳияти, мақсад ва вазифалари. Корхона ва ташкилотлардаги хизмат мартабасини бошқариш. Мартаба босқичлари.

Хизмат мартабасини бошқариш. Корхона ва ташкилотларда персонал ҳуққ-атворини бошқариш.

Кадрларга оид янгиликларнинг моҳияти. Кадрлар ишида янгиликларни сабаб жиҳатдан таъминлаш. Персонал бошқарувида меҳнат муносабатлари этикаси. Меҳнат муносабатларини ташкил этишда шахслараро муносабатлар. Саломлашиш, тақдим қилиш ва ишбилармон кишининг ташқи қиёфаси. Ишга оид суҳбат юритиш ва телефонда гаплашиш одоби. Танқид қилиш ва танқидни қабул қилиш қоидалари. Нотиқлик санъати асослари.

Давлат менежменти

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бошқарувининг роли. Бозор муносабатларининг шаклланиш даврида бошқарув вазифаларининг ўзгариши.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бошқарувини ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ижроия ҳокимияти. Олий қонунчилик ҳокимияти. Маҳаллий ҳокимиятлар ва уларнинг вазифалари. Давлат бошқарувини такомиллаштириш зарурати.

Ижтимоий менежмент

Бозор шароитида ижтимоий сиёсат. Ижтимоий дастур ва унинг менежментдаги ўрни. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишлари. Меҳнат бозори. Ижтимоий бошқарув объекти. Жамоанинг ижтимоий ривожланиши. Инсон ҳуққи омиллари тизими. Гуруҳлар ва уларнинг аҳамиятлари. Хоторн тажрибалари. Менежмент назариясига Хоторн тажрибаси таъсири. Ижтимоий тадқиқотлар натижаларининг менежментда қўлланилиши. Менежментда инсон омили. ҳозирги шароитда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг хорижий тажрибалари.

Ҳуқуқий менежмент

Бозор иқтисодиёти шароитида менежментнинг ҳуқуқий асослари. Менежментнинг ҳуқуқий муаммолари. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида"ги ва "Мулкчилик шакллари тўғрисида"ги Қонунларининг менежментдаги аҳамияти. Корхонада ҳуқуқий менежментнинг ўрни. Корхона меҳнат жамоасини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар. Корхонанинг молиявий ресурсларини ҳуқуқий бошқариш. Ҳуқуқий менежментнинг хорижий тажрибаси.

Менежмент самарадорлиги

Бошқариш самарадорлиги-иқтисодий категория сифатида. Бошқариш самарадорлигини ошириш-бозор иқтисодиётининг муҳим шarti.

Иқтисодий ва ижтимоий бошқарув самарадорлиги тушунчалари. Бошқарувнинг иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари.

Бошқарув самарадорлигини ошириш омиллари ва резервлари. Бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллари. Бошқарув самарадорлигини ошириш лойиҳаларини иқтисодий асослаш.

Инсон ресурслари бошқарувининг шаклланиш асослари

Инсон ресурслари шаклланишининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. Инсон ресурсларининг шаклланиш омиллари. Ривожланган хорижий давлатларда инсон ресурсларининг шаклланиш хусусиятлари. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш. Инсон ресурслари бошқарувини бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантиришнинг зарурлиги. Инсон ресурсларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Ғарбий Европа давлатларида инсон ресурслари бошқарувининг ташкил этишнинг тамойиллари ва тажрибаси. Ўзбекистонда инсон ресурсларини ташкил этиш концепцияси.

Инсон ресурсларини бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари

Инсон ресурслари бошқарувининг илмий концепцияси. Инсон ресурслари бошқарувининг асосий сифат кўрсаткичлари. Инсон ресурслари бошқарувининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини такомиллаштиришнинг ҳозирги замон талаблари.

Корхоналарда персонални бошқариш илмий концепциясининг моҳияти. Инсон ресурсларини бошқариш ва ташкилотнинг ички ва ташқи муҳитини ривожланиши. Ташкилотнинг иқтисодий ва бошқа имкониятларга бевосита боғлиқлиги. Инсон ресурсларини бошқаришда стратегик бошқарувнинг хусусиятларини қўллаш. Инсон ресурслари бошқарувида кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари. Инсон ресурслари бошқарувида инсон омилини қўллаш. Рационал ва гуманистик бошқариш усуллар ҳақида тушунча. Фаол кадрлар сиёсатини инсон ресурслар бошқарувида қўллаш. Фирма ва корпорацияларда инсон ресурсларини бошқаришда меҳнат салоҳиятига таяниш. Инсон ресурслари концепциясини меҳнат ресурслари концепциясидан фарқи.

Инсон ресурслари бошқарувини ташкил этишда менежмент қарорларини қабул қилиш

Инсон ресурслари бошқарувида менежмент қарорларининг моҳияти ва хусусиятлари. Инсон ресурслари бошқарувида менежмент қарорларининг турлари. Инсон ресурслари бошқаруви қарорларини қабул қилиш бошқичлари. Инсон ресурслари бошқарув қарорларига қўйиладиган талаблар. Инсон ресурслари бошқарувини ташкил этишда менежмент қарорларини оптималлаштириш усуллари. Оптимал бошқаришни ташкил этишда менежернинг роли.

Инсон ресурслари бошқарувида стратегик режалаштириш

Инсон ресурслари бошқарувида стратегик режалаштириш асослари. Меҳнат фаолиятда стратегик қарор қабул қилиш. Меҳнат муносабатларни

ўрнатиш шакллари. Инсон ресурслари бошқаруви стратегияси ва стратегик режалаштириш.

Инсон ресурслари бошқарувида стратегик режалаштиришни ташкил этиш. Стратегик режалаштиришнинг процедураси. Бошқариш стратегияни татбиқ этиш. Формал ва ноформал ташкилий маданият. Инсон ресурслари бошқарувини стратегик режалаштириш маданияти. Стратегик режалаштиришда ўзига хос маданият. Стратегик режалаштириш тизимлари ва бошқа координация механизмлари.

Инсон ресурсларини бошқаришда чет эл тажрибалари

Чет эл фирмаларида инсон ресурсларини бошқаришнинг асосий усуллари. АҚШда инсон ресурсларини бошқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари. Япония фирмаларида инсон ресурсларини бошқариш асослари. Инсон ресурсларидан бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари.

Инсон ресурсларни бошқаришда чет эл фирмаларда кадрлар сиёсатига катта аҳамият бериш. Чет эл фирма ва корпорацияларда моддий ва маънавий кизиқишнинг асосий йўналишлари. Чет эл фирма ва корпорацияларда ижтимоий комплексни яратиш асослари. Инсон ресурсларини бошқаришда чет фирма ва корпорацияларда экстенсив ва интенсив усулларини қўллаш.

Япония фирма ва корпорацияларида "канбан" ва бошқа менежмент усуларидан фойдаланиш. Япония корпорацияларида инсон ресурслари бошқарувини меҳнат унумдорлиги усиши билан боғлиқлиги. Умрни охиригача ёлланиш тизими. Кадрлар ротация тизими. Репутация тизими. Ишчи ўринларида тайёрлаш тизими. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими. Япония компанияларининг бошқариш самарадорлиги.

Инсон ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

Инсон ресурсларини бошқаришни ташкил этишда иқтисодий самарадорликни аниқлаш асослари. Инсон ресурсларини бошқарувини ташкил этишда интенсив ва экстенсив йўлларнинг аҳамияти.

Ижтимоий йуналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришнинг асосий йўналишлари. Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий мезонлари. Инсон ресурслари бошқарувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

Ижтимоий менежментнинг ривожланиши ва унинг илмий мактаблари

Менежмент назарияси ва амалиётининг ривожланиши. Ривожланишнинг турли тарихий босқичлари ва эволюцияси. Инсон тарихидаги бешта бошқарув инқилобининг моҳияти.

Менежментнинг илмий мактаблари. Классик бошқарув мактаби. Классик бошқарув мактаби намояндалари Ф. Тейлор, А. Файоль, Г. Эмерсон, Л. Урвик, М. Вебер, Г. Форд тамойиллари.

“Инсон муносабатлари мактаби” намоёндалари Э. Мэйо, К. Арджерис, Ф. Херцберг, Д. Мак-Грегор, Р. Блейк ва бошқаларнинг меҳнатни мукаммаллаштириш усуллари.

Бошқарувнинг эмпирик мактаби вакиллари П. Друкер, Р. Девис, Л. Ньюмен, Д. Миллернинг бошқарув назариялари.

Ижтимоий тизимлар мактаби вакиллари Д. Марг, Г. Саймон, А. Этциони назариялари. “Янги мактаб” намоёндалари Р. Ансофф, С. Вир, Л. Берталанфи, Р. Калман, Л. Клейн, Р. Люс, Д. Форрестер бошқарув назариясидаги йўналишларнинг ривожланиши. Ижтимоий менежмент манбалари. Инсон муносабатлари. Ижтимоий тизим. Инсон ресурслари менежменти.

XX аср охири XXI аср бошқарув маданияти

Замонавий бошқарув маданияти. Бошқарув маданияти элементлари. XXI асрда дунёдаги глобал характердаги муаммолар. Дунёдаги янги миллий маданиятлар.

XXI аср талабига жавоб берадиган бошқарув модели. Японияда бошқарув тизими ва бошқарув маданиятининг шаклланиши. Япон бошқарув модели ва бошқарув маданиятининг асосий жиҳатлари.

Ижтимоий менежмент маданиятининг шаклланиши. Инсон ресурсининг очилиши. Бошқарув маданиятининг бош мазмуни. Бошқарув тизимини қуриш, ички ва ташқи муҳит таъсирлари.

Ташкил этиш маданияти концепцияси. Инқироз ҳолатлари ва уларга тўғри таъсир этиш.

Ижтимоий бошқаришни шакллантиришнинг умумий тамойиллари. Бошқарувнинг ақлий тизимлари ва маданияти.

Стратегияни бошқариш жараёни

Стратегия тушунчаси, унинг мазмуни. Стратегиянинг режадан фарқи. Компанияни бошқариш вазифалари, уларнинг асосий турлари.

Компания стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича менежерларнинг вазифалари. Компания миссияси ва стратегик қарашларини белгилаш. Компания стратегиясининг асосий саволлари. Стратегик бошқариш мақсади. Мақсадларнинг турлари: қисқа муддатли, узоқ муддатли, молиявий, стратегик. Стратегияни белгилашга таъсир этувчи омиллар: ички омиллар, ташқи омиллар.

Стратегияга аниқликлар, ўзгартиришлар киритиш. Стратегияни баҳолаш учун қўйиладиган саволлар. Стратегияни амалга ошириш бўйича маъмуриятнинг вазифалари. Стратегик бошқаришнинг беш вазифаси. Стратегияни амалга оширишда ижрочи директорнинг ўрни. Компания стратегиясини белгилашда президентнинг ўрни ва вазифалари. Вице-президентларнинг вазифалари. Турли даражадаги менежерлар ва уларнинг вазифалари. Режалаштириш бўлими ва унинг вазифалари.

Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитларида стратегик менежментни ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

Диверсификациянинг корпоратив стратегиялари

Компаниянинг ривожланиш босқичлари. Бошланғич босқич белгилари. Ихтисослашуви. Географик экспансия босқичи. Компанияни янги тармоққа диверсия қилиш. Маҳаллий бозордан худудий-миллий ва халқаро бозорларга чиқиш. Тор ихтисослашиш ва унинг қулайликлари. Тор ихтисослашишнинг камчиликлари ва хатарли жиҳатлари. Диверсияланишга ундовчи омиллар. Компаниянинг ўсиш ва ривожланиш уч босқичи.

Диверсияланишни қўллашдан туб мақсад. Диверсияланиш учун тармоқ танлаш мезонлари. Жозибадорлик мезони. Кирим харажатлари мезони. Қўшимча манфаатлар мезони. Диверсиялаш йўллари. Ички капиталлар бозори орқали. Функциялар ёки ресурсларни тақсимлаш орқали. Вертикал интеграция усули. Диверсиялаш йўлларининг ижобий ва салбий томонлари.

Тармоқ жозибадорлигини аниқлаш ва корпоратив стратегияни ишлаб чиқиш

Ўрта корхоналар эволюцияси матрицаси аҳамияти. Диверсияланган компания стратегиясини баҳолаш. Тармоқ жозибадорлигини баҳолашнинг уч йўналиши. Диверсияланган компанияни таснифлаш. Стратегик мослик таҳлили. Фирмаларни инвестиция қобилиятига кўра табақалаштириш. Диверсияланган корпорация стратегиясини аниқлаш. Корпорация стратегиясини баҳолаш босқичлари. Корпоратив стратегияни ишлаб чиқиш. Ишчанлик фаоллиги мезонлари.

Тармоқ жозибадорлигини баҳолаш йўналишлари. Хўжалик бўлинмаларининг компания бизнесига мос келиш даражаси. Компания портфелининг корхоналар, тармоқлар бўйича таҳлили. Таҳлил натижаларига кўра ташкилий хулосалар яшаш. Компания хўжалик портфелини қайта кўриб чиқиш. Бизнес соҳасига киришнинг стратегияси. Харид қилиш. Янги ички корхона. Ҳамкорликдаги тадбиркорлик. Стратегияни танлашга боғлиқ омиллар. Компаниянинг бозордан кетиш стратегиясини танлаш.

Инновацион менежментнинг функциялари ва усуллари

Инновацион фаолиятни бошқариш функцияларининг тизими. Корхона ёки ташкилот инновацион фаолиятининг мақсадлари. Инновацион менежмент мақсадларининг умумий таснифи. Режалаштириш инновацион менежментнинг махсус функцияси сифатида. Инновацион менежментда режалаштириш жараёнининг босқичлари. Ишлаб чиқаришнинг келгусидаги янгиланиши ва такомиллаштирилиши учун захираларни излаш. Инновацион фаолиятни ташкил этиш. Ташкилий тузилмаларни шакллантириш ташкил этиш функциясининг муҳим вазифаси сифатида. Инновацион менежментда коммуникациялар жараёни. Инновацион менежментда коммуникацияларнинг турлари. Кичик гуруҳларда дастлабки ахборотни шакллантириш жараёни. Мотивацияни бошқариш. Мотивациянинг жараёнли модели. Мувофиқлаштириш инновацион менежментнинг марказий функцияси сифатида. Мувофиқлаштириш функциясини амалга ошириш босқичлари. Инновацион менежментда назорат.

Инновацион фаолиятда қўлланиладиган назорат турлари. Инновацион фаолиятни назорат қилиш усуллари. Инновацион менежментда бошқарув қарорларини қабул қилиш. Бошқарув қарорларининг турлари. Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнининг босқичлари. Инновацияларни прогнозлаш усуллари.

Инновацион менежментнинг ташкилий шакллари

Ташкилот инновацион фаолиятнинг субъекти ва жараёни сифатида. Инновацион ташкилотларнинг хусусиятлари. Инновацион корхона фаолиятининг соҳаси. Ташкилотларнинг инновациялар ҳаётийлик даврининг босқичлари билан боғлиқлиги. Илмий-техник ва инновацион соҳа ташкилотларининг таснифи. Замонавий инновацион фирманинг хусусиятлари. Интеллектуал ўзини-ўзи бошқарувчи уюшма. Инновацион фирманинг шаклланишида интеграция ва диверсификациянинг роли. Диверсификациялашмаган компаниянинг корпоратив стратегиялари. Фирмани диверсификациялаш стратегияларининг олтита тури. Консорциумлар фирмалараро интеграциянинг истикболли тури сифатида. Инновацион фаолиятда молиявий-саноат гуруҳларининг роли. Инновацион марказларнинг иқтисодиёт самарадорлигининг ошишига кўрсатадиган таъсири. Технопарклар ва улар томонидан ҳал этиладиган вазифалар. Инновацион инфратузилма ва унинг инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги роли.

Персонални инновацион бошқариш

Персонални бошқариш. Инновацион менежментда мутахассисларни режалаштириш ва танлаш хусусиятлари. Инновацион фаолиятда персонални баҳолаш мезонлари. Корхона ва ташкилотларда ходимларга қўйиладиган талабга инновацион жараённинг ўзига хос жиҳатлари таъсири. Ижтимоий бошқарувнинг техник-ташкилий томони. Инновацион лойиҳалар бўйича ишлайдиган жамоанинг тузилмаси ва хусусиятлари. Инновацион жамоани бошқариш услуги. Инновацион жамоаларда коммуникация. Инновацион жамоаларда ролларнинг тақсимланиши. Корхона ва ташкилотларда инновацияларнинг жорий этилишига қаршилик кўрсатувчи кучлар. Инновацияларнинг жорий этилишига кўрсатиладиган қаршиликни бартараф этиш усуллари. PR усуллари. Ижтимоий гуруҳдаги консенсус ва унга эришиш йўллари. Инновацион жамоада низоларнинг роли ва уларни бошқариш усуллари.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш

Ривожланган мамлакатларда энг кўп тарқалган молиявий ресурсларнинг манбалари. Бозор иқтисодиёти шароитида молиялаштириш субъектлари. Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими. Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг асосий молиявий шакллари. Инновацион фаолиятнинг молиявий-кредитли қўллаб-қувватланиши. Инновацияларни молиялаштириш манбалари. Инновацион фаолият субъектларини даражалари ва мулкчилик турлари бўйича молиялаштириш манбалари. Давлат манбалари, бюджетдан

ташқари манбалар. Турли хил манбаларнинг мақсадлари ва инвестицион устуворликлари.

Инновацияларни молиялаштириш шакллари. Венчур тадбиркорлиги ва венчурли молиялаштиришни ташкил этиш. Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими. Инновацион бозорнинг юзага келиш шарт-шароитлари. Инновацион бозорнинг молиявий таъминоти. Инвестицион бозорнинг таркиби ва тузилиши. Корхона ва ташкилотларда инвестицион ресурсларнинг манбалари. Ишлаб чиқариш саноатида капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаларининг тузилмаси. Инвестицияларни молиялаштиришда инновацион жамғармалар ва инновацион банкларнинг роли. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш хусусиятлари. Инновацион соҳада лойиҳали молиялаштиришнинг муваффақияти.

Инновацион лойиҳалар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари

Инновацион лойиҳа тушунчаси. Инновацион лойиҳа структураси. Инновацион лойиҳа турлари. Инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш фазалари. Инновацион лойиҳаларни комплекс баҳолаш ва танлаш усуллари. Инновацион лойиҳани режалаштириш. Лойиҳани бошқаришни ташкил этиш. Лойиҳалар бўйича ишларни назорат қилиш ва тартибга солиш. Лойиҳа муваффақияти. Инновацион лойиҳанинг муваффақиятини белгиловчи мезонлар. Лойиҳанинг таянч модели. Инновацион лойиҳанинг самарасизлиги сабаблари. Лойиҳаларни яқунлаш тартиби. Лойиҳаларни бошқаришда тармоқли усуллар. Лойиҳалар портфелини шакллантириш масалалари. Ижодий гуруҳларни бошқариш. Тадқиқот лойиҳаси учун персонални танлаш. Лойиҳали бошқарувда персонални ўқитишга нисбатан амалий ёндашув. Инновацион фаолиятни лойиҳали бошқаришнинг зарурлиги. Инновацион лойиҳани бошқариш бўйича менежернинг асосий вазифалари. Инновацион лойиҳа таҳлилининг умумийлашган схемаси. Инновацион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш усуллари. Инновацион лойиҳа самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари. Лойиҳанинг фойдалилик индекси усули ва унинг аҳамияти. Соф жорий қиймат кўрсаткичи. Ички фойдалилик меъёрлари кўрсаткичи. Лойиҳа рентабеллиги.

Миллий инновацион тизимлар ва инновацион соҳанинг давлат томонидан тартибга солиниши

Миллий инновацион тизимлар структураси ва унинг асосий параметрлари. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг инновацион тизимларини ташкил этиш. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида инновацион тизим. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг регуляторлари тизимида инновацион сиёсат. Инновацион соҳада давлатнинг функциялари. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бевосита ва билвосита усуллари. Давлатнинг инновацион сиёсати. Илм-фан ва технологиялар соҳасида давлатнинг устувор йўналишлари. Илм-фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг асослари. Инновацион ривожланишни қўллаб-қувватловчи минтақавий лойиҳалар.

Ўзбекистон Республикасида янги инновацион механизм. Инновацион дастурлар. Интеллектуал мулк ва унинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг асосий турлари: патентлар, муаллифлик ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар ва товар белгилари. Инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва инновацияларнинг ҳимоя қилиниши. Ўзбекистон Республикасида инновацияларни ҳимоя қилиш қонунчилигини ривожлантириш. Минтақаларнинг инновацион ривожланиш дастурлари билан инвестицион ривожланиш дастурлари ўртасидаги боғлиқлик. Инновацион ташкилотларга давлат томонидан бериладиган имтиёзлар.

Таваккалчиликни бошқаришни такомиллаштириш

Корхонада таваккалчиликка эга лойиҳаларни бошқариш бўйича ишларни ташкил этиш модели. Таваккалчиликни бошқариш жараёни. Таваккалчиликни бошқариш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш. Корхона ёки ташкилотда таваккалчиликни бошқариш тизимининг бошқа тизимлар билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш. Амалга оширилиши режалаштирилаётган ҳар қандай лойиҳаларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавф-хатар омилларини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими. Турли таваккалчилик омилларини аниқлаш ва баҳолаш кўрсаткичлари. Корхоналарда таваккалчиликни бошқариш тизимига жалб этиладиган ходимлар билан самарали ишлаш усуллари. Корхона даражасида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни. Корхона даражасида бошқарув қарорларини қабул қилишда таваккалчиликнинг ўрни. Корхонада таваккалчиликни бошқариш тизимчасининг тузилиши. Кутиладиган таваккалчиликларни аниқлаштириш. Таваккалчиликни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Халқаро менежментни стратегик режалаштириш

Халқаро фирмаларни стратегик режалаштириш. Халқаро фаолиятда стратегик қарор қабул қилиш. Халқаро ўзаро тасвирларни қамраб қарор қабул қилиш. Фирма стратегиясининг бош мақсадини босқичма-босқич татбиқ этиш. Стратегик режалаштиришнинг амалиёти. Стратегияни татбиқ этиш. Халқаро фирмаларда стратегик режалаштиришни ташкил этиш. Бошқариш тузилмасини яратиш. Тузилмаларни ишлатиш қоидаларини ишлаб чиқиш. Формал ва ноформал ташкилий маданият. Стратегик режалаштириш маданияти. Халқаро фирмаларда стратегик режалаштиришда ўзига хос маданият. Халқаро ва глобал рақобатни таққослаш. Номарказлаштириш шароитида гибрид стратегия. Стратегик режалаштириш тузилмалари ва бошқа координация механизмлари.

Халқаро менежментнинг ривожланиши ва ўзига хос моделлари

Япон модели менежментининг ўзига хослиги. Япон бошқаришининг характерли томонлари. Умрининг охиригача ёлланиш тизими. Кадрлар ротация тизими. Репутация тизими. Ишчи ўринларида тайёрлаш тизими. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими. Япония компанияларининг бошқариш

самарадорлиги. АҚШ молия-саноат гуруҳлари. Япониянинг молия-саноат гуруҳлари. Жанубий Кореянинг молия-саноат гуруҳлари. Россиянинг молия-саноат гуруҳлари.

II БЎЛИМ. МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА МАТЕМАТИК СТАТИСТИКА АСОСЛАРИ

Математик моделлаштиришга кириш

Математик моделлаштириш объектив воқеликни билиш ва замонавий технологияларни яратиш воситаси сифатида. Математик моделлаштириш ва илмий-техник тараққиёт. Математик моделлаштириш ва ҳисоблаш эксперименти. Математик моделлаштириш - билишнинг универсал усули. «Модель-алгоритм-программа» учлиги математик моделлаштиришнинг устуни сифатида. Математик моделлаштириш босқичлари. Моделларнинг турлари. Математик моделларнинг синтези услуби. Табиатнинг асосий қонунларидан математик моделларни ҳосил қилишга мисоллар. Атрофимиздаги олам қонунларининг чизиқсизлиги, чизиқсиз математик моделлар ва чизиқсизликнинг келиб чиқиши. Чизиқсиз математик моделларни сақланиш қонунлари асосида ишлаб чиқиш.

Алгоритмлар ва программаларни яратиш

Самарали алгоритмларни куриш ва таҳлил қилиш муаммолари. Маълумотлар тузилмалари ва иқтисодий масалаларнинг алгоритмлари. Замонавий операцион тизимлар. Дастурлаш тилларининг шарҳи, иқтисодда маълумотлар омбори. Амалий программалар пакетлари (Matlab, Mathcad, Mathematica, Maple). Matlab, Mathcad, Mathematica, Maple пакетларида масалалар ечиш. Иқтисодий масалаларни визуаллаштириш усуллари. Ахборотларни ҳимоялаш муаммолари. Ахборотларни ҳимоялаш усуллари, Хэш-функциялар, рақамли имзолар.

Молиявий ва иқтисодий жараёнларнинг баъзи бир моделлари

Реклама компаниясини ташкил қилиш модели. Корхона қарзларини ҳисобга олиш. Бозор иқтисодиёти мувозанатининг макромоделли. Иқтисодий ўсишнинг макромоделли.

Эҳтимоллар назарияси асослари

Элементар ҳодисалар фазоси. Ҳодисалар ва улар устида амаллар. Эҳтимоллар назариясининг аксиоматик курилиши. Эҳтимолликнинг таърифи ва унинг хоссалари. Шартли эҳтимол. Ҳодисаларнинг боғлиқсизлиги. Бернулли схемаси. Боғлиқсиз тажрибалар кетма-кетлиги учун лимит теоремалар. Тасодифий миқдор. Тасодифий миқдор тақсимот функцияси. Тасодифий

микдорнинг сонли характеристикалари: математик кутилма, дисперсия, моментлар. Катта сонлар қонуни. Марказий лимит теоремаси.

Танланма усули тушунчасининг асослари

Бош тўплам. Танланма. Танланма характеристикалари. Эмпирик тақсимот функцияси ва унинг хоссалари.

Нуқтавий баҳолаш

Параметрик тақсимотлар оиласи. Етарли статистикалар тушунчаси. Силжимаганлик, асослилиқ ва эффективлик. Баҳоларни олиш усуллари: моментлар усули ва ҳақиқатга максимал ўхшашлик усули.

Интервал баҳолаш

Танланма тақсимоти параметрларининг интервал баҳолари. Ишончилиқ эҳтимоллиги. Ишончилиқ интервали. Нормал тақсимот параметрлари учун ишончилиқ интерваллари. Нормал қонуният билан боғлиқ тақсимотлар: гамма тақсимот, Стъудент тақсимоти, Фишер тақсимоти.

Гипотезаларни текшириш

Статистик гипотеза тушунчаси. Мувофиқлик критерийси. Критерий қуввати. Танланманинг бир жинслилик гипотезасини текшириш. Боғлиқсизлик гипотезасини текшириш: Пирсоннинг Хи-квадрат критерийси. Фишер критерийси. Стъудент критерийси.

Регрессион анализ

Регрессион ва корреляцион боғлиқликлар. Корреляция коэффиенти ва унинг хоссалари. Кичик квадратлар усули. Кўп ўлчовли корреляцион анализ. Ночизиқли регрессия тенгламаси. Факторли анализ.

Эконометрика ва статистика

Эконометриканинг таърифи. Эконометрик моделларнинг қўлланиш соҳалари.

Жуфтлик чизиқли регрессия

Назарий ва эмпирик регрессия тенгламаси. Кичик квадратлар усулининг қўлланилиши (Гаусс-Марков шарт). Жуфтлик чизиқли регрессия тенгламаси коэффицентларини статистик аҳамиятлилигини баҳолаш: Стъудентнинг t -критерийси. Чизиқли регрессия тенгламаси коэффицентлари учун интервал

баҳолар. Регрессия тенгламасини баҳолашда статистик аҳамиятлилиги: Фишернинг F-критерийси. Боғлиқли ўзгарувчилар учун ишончлилик интервали.

Тўпلامли чизиқли регрессия

Тўпلامли регрессия тушунчаси. Тўпلامли регрессиянинг классик чизиқли модели. Кичик квадратлар усули билан тўпلامли чизиқли регрессия тенгламалари параметрларини баҳолаш. Стъудент t-критерийсининг тўпلامли регрессия моделлар учун тадбиқи, ишончлилик интервали. Тўпلامли R² детерминация коэффиценти. Фишер F-критерийсининг тўпلامли регрессия моделлари учун қўлланилиши.

Чизиқсиз регрессия

Даражали моделлар. Кобб - Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси. Тескари модел. Полиномиал модел. Кўрсаткичли модел. Моделларни танлаш. Хатолик турлари, уларнинг учраши ва тўғрилаш. Моделнинг қолдиқ ҳадини текшириш.

Вақт қаторлари ва башорат қилиш

Ривожланишнинг асосий тенденциялари ва улардан четланиш. Стационар вақт қаторлари. Автокорреляция функцияси, коррелограмма, хусусий автокорреляция функцияси. Вақт қаторларини аналитик текислаш. Вақт қаторлари моделлари асосида башорат қилиш.

Боғлиқлиликнинг статистик текширилиши

Регрессион анализнинг асосий масаласи. Чизиқли регрессия тенгламаси. Танланма корреляция коэффиценти ва унинг хоссалари. Корреляция коэффицентининг аҳамиятлилиги. Тўпلامли регрессия. Чизиқсиз корреляцион боғлиқлик. Бош компоненталар усули. Статистик масалаларни ечиш учун Microsoft Excel дан фойдаланиш. Statistica - статистик таҳлил пакети. Statistica пакетининг функциялари. Маълумотларни статистик таҳлили.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарракқийёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 февраль.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
7. Йўлдошев Н.Қ., Набоков В.И. Менежмент назарияси. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2013. - 433 б.
8. Йўлдошев Н.Қ. Стратегик менежмент. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2013. -230 б.
9. Йўлдошев Н.Қ., Азларова М.М., Ходжамуратова Г.Ю. Менежмент ва маркетинг асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2012.-258 б.
10. Қосимова Д.С. Менежмент назарияси. Дарслик. –Т.: Тафаккур бўстони, 2011.-335 б.
11. Хожирахмедов Ғ., Умаров Х., Яхъяева И.Н. Сифат менежменти. – Т.: Дарслик. ТТЕСИ, 2012.-200 б.
12. Ансофф И. Стратегический менеджмент. – СПб.: Питер, 2009.
13. Глухов В.В. Менеджмент: Учебник для вузов. 3-е изд. – СПб.: Питер, 2008.
14. Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: Учебник для вузов по экон. спец. и направл. – Третье изд. – М.: Гардарика, 2008.
15. Герчикова И.Н. Менеджмент: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012.
16. Дафт Р. Менеджмент. 6-е изд./ Пер с англ. – СПб.: Питер, 2007.
17. Кравченко А.И. История менеджмента: Учебное пособие для вузов. – 7-е изд. – М.: Академический Проект; Альма Матер, 2012.
18. Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер. с англ. – М.: Дело, 2012.
19. Основы менеджмента: учебное пособие/ Л.В. Плахова, Т.М. Анурина, С.А. Легостаева и др. – М.: КНОРУС, 2007.
20. Семенов А.К., Набоков В.И. Основы менеджмента: – М.: ИТК «Дашков и К», 2010.
21. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент– М.: АО «Бизнес-школа «Интел-Синтез», 2008.

22. Гулин. В.Н. Информационный менеджмент: Учебный комплекс. - Минск: Современ. шк., 2009.
23. Ламбен. Ж.Ж., Чумпитас Р., Шулинг И. Менеджмент, ориентированный на рынок. 2-е изд. /Пер. с англ. Под. ред. В.Б. Копчанова.- СПб.: Питер, 2008.
24. Глухов В.В. Менеджмент: Учебник. 3- изд.- СПб Питер, 2009.
25. Ермаков В.П., Макиев З.Г. Менеджмент для студентов вузов. – Изд. 5-е. - Ростов н/Д: Феникс, 2008.
26. Коноплев С.П., Коноплева В.С. Менеджмент продаж: Учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2009.
27. Гончаренко Л.П. Менеджмент инвестиций и инноваций: учебник. – М.: КНОРУС, 2009.
28. Пивоваров С.Э., Тарасевич Л.С. Международный менеджмент: Учебник. 4-е изд.- СПб.: Питер, 2008.
29. Иваненко А.Г. Инновационный менеджмент: учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2009.
30. Стратегический менеджмент. / Под ред. А.Н. Петрова.- СПб.: Питер, 2010.
31. Карлик А. Е., Рогова Е.М., Тихонова М.В., Ткаченко Е.А. Инвестиционный менеджмент: Учебник. СПб.: Вернера Регена, 2012.
32. Dym C.L., Ivey E.S. Principles of Mathematical Modeling. - N.Y.: Academic Press, 1980. - 256 p.
33. Saaty T.L., Alexander J.M. Thinking with Models: Mathematical Models in the Physical, Biological and Social Sciences. - N.Y.: Pergamon Press, 1981.
34. Абдушукуров А.А. Эҳимоллар назарияси ва математик статистика. - Ташкент: Университет, 2010. - 169 б.
35. Айвазян С.А., Мхитарян В.С. Прикладная статистика и основы эконометрики. Учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ, 1998.
36. Баврин И.И. Теория вероятностей и математическая статистика - М.: Высшая школа, 2005. - 160 с: ил.
37. Ивченко Г.И., Медведев Ю.И. Введение в математическую статистику: Учебник. М.: Издательство ЛКИ, 2010. - 600 с.
38. Кремер Н.Ш. Эконометрика: учеб. для студ. вузов / Н.Ш. Кремер, Б.А. Путко. - М.: Юнити-Дана, 2007. - 311 с.
39. Jeffrey Wooldridge. Econometric Analysis of Cross Section and Panel Data. MIT Press: Cambridge UK, 2010, pp. 752.
40. Chris Brooks. Introductory Econometrics for Finance. Cambridge University Press UK, 2014, pp. 540.

